

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ЛОЙИХА БОШҚАРУВИНИНГ АҲАМИЯТИ****Rahmanova Iroda Xasilovna***Atb qishloq qurilish bank markaziy idorasi,**Bank maxsulotlari ishlab chiqish va rivojlantirish departamenti bosh mutaxassisi*

Ҳозирги кунда банклар фаолиятининг муайян қисми лойиҳаларни молиялаштириш ва амалга ошириш бўлмоқда. Шу билан бирга, йирик банклар томонидан банкнинг деярли барча таркибий бўлинмалари ва филиалларини қамраб оладиган кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Лойиҳа иши, авваламбор, тезкор натижаларни олиш, ресурсларни аниқ мувофиқлаштириш, топшириқларнинг ўзига хос хусусияти билан белгиланади. Банкнинг барча вазифалари мунтазам бизнес-жараёнлар ва мавжуд ташкилий тузилмалар доирасида ҳал қилиниши мумкин эмас. Шу боис, лойиҳаларни бошқаришнинг замонавий ёндашувлари ва технологияларини ўрганиш ҳамда қўллаш борган сари кучайиб бормоқда. Кўпгина банкларда лойиҳалар бир хил лойиҳа усуллари ва стандартларини қўллагандан ва улардан фойдаланмасдан жуда тартибсиз (тизимсиз) амалга оширилади. Шунинг учун уларнинг аксарияти муваффақиятсизликка учрайди.

Кенг қамровли, мураккаб ва кенг қўламли лойиҳаларни бошқариш учун жиддий ёндашув ва ўзига хос технологиялар талаб этилади, бундан ташқари нотўғри ёндашувлар асосида юзага келиши мумкин бўлган хавфни бартараф эта олишини ҳам назарда тутиш лозим.

Ривожланиш лойиҳаси – бу замонавий бошқарув техникаси ва бизнес муҳандислиги ёрдамида банк фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган лойиҳадир. Ушбу ишларнинг бир қисми сифатида катта меҳнат, молиявий ва бошқа ресурсларни жалб қилишни талаб қилувчи йирик лойиҳалар, шунингдек кўплаб банк бўлимларининг манфаатларига таъсир кўрсатадиган лойиҳалар назарда тутилган.

Бу банкда мунтазам равишда татбиқ этиладиган маҳаллий ривожланиш бўйича индивидуал топшириқларга ва дастурларга таълуқли эмас.

Бошқариш соҳаларига мувофиқ ривожланиш лойиҳаларининг қуйидаги турларини келтириб ўтаемиз:

- стратегик бошқарув лойиҳалари, бу - мувозанатли картани яратиш;
- иш жараёнларини бошқариш лойиҳалари, бу - бизнес-жараёнларни таърифлаш, тартибга солиш ва оптималлаштириш;
- ходимларни бошқариш ва ташкилий тузилмалари бўйича лойиҳалар, бу - ташкилотнинг структурасини оптималлаштириш ва ходимларнинг оптимал сонини ҳисоблаш;
- сифатни бошқариш лойиҳалари, бу - ISO 9000 серияли стандартларига мувофиқ сифат менежменти тизимини яратиш;

- комплекс лойиҳалар, бу - менежментнинг бир нечта соҳаларида ўзаро боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш.

Ушбу рўйхат шунингдек, банкнинг ахборот тизимларини жорий этиш ва такомиллаштириш бўйича лойиҳаларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Лойиҳани бошқариш техникаси ва муайян лойиҳани амалга ошириш усуллари (масалан, банкда сифатни бошқариш тизимини яратиш усули) ўртасида фарқланиш керак.

Ташаббусларни тақдим этиш ва яратиш, яъни банкнинг ички эҳтиёжлари ва ходимларнинг ташаббуслари асосида бўлиб, кўпгина банкларда, “Ғоялар генератори” ёки “Бошқарув ташаббуслари” дастури мавжуд. Ушбу дастурларнинг маъноси шундаки, банкнинг ҳар қандай ходими муаммони ҳал этишга ёки банк бўлими бизнес жараёнини ривожлантиришга сезиларли таъсир кўрсатадиган ташаббусни тақлиф қилиши мумкин.

Ташаббуслар банкнинг ички муҳитини, унинг кучли ва заиф томонларини яхши биладиган ва банкнинг ривожланиш истиқболлари ва стратегиясини ифодаловчи юқори бошқарувнинг вакиллари томонидан амалга оширилиши мумкин. Банкнинг ташқи муҳитидаги ўзгариш ва талабларга асосланиб қонунчиликдаги ўзгаришлар, янги технологиялар ва стандартларнинг пайдо бўлиши, рақобатчиларнинг ҳаракатлари, миқдорларнинг эҳтиёжлари ва бошқа атроф-муҳит омиллари ўзгариши банкни тегишли лойиҳаларни, жумладан, ривожланиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб қилади. Натижаси эса яхши ташкил этилган ташаббус.

Ташаббусларни кўриб чиқиш жараёни бўлиб, бу жараёнда қуйидаги вазифалар бажарилади:

- ташаббуснинг тақдими, бунда лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини намоён қилиш ва банк бошқарувини ишонтириш учун ташаббуслар тақдим этилиши керак.

- ташаббуснинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш (молиявий ва инсон ресурсларини жалб қилиш имконияти ва ҳажми, технологиядан фойдаланиш ва бошқалар).

- ташаббуснинг долзарблиги, банкнинг стратегиясига ва стратегик мақсадларига мувофиқлиги.

- ташаббусни амалга ошириш учун банкнинг ривожланиш даражасини ва муддатини баҳолаш. Бу вазифага алоҳида эътибор берилиши керак, чунки нотўғри баҳолаш лойиҳа муваффақиятсизлигига олиб келиши мумкин.

- ташаббусни амалга ошириш учун хавфни баҳолаш – бу босқич натижасида ташаббусни амалга ошириш ва бекор қилиш ёки муайян вақтдан кейин қайта текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинади.